

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОРЕНИЯЗОВА САЛТАНАТ ЕЛМУРАТОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА КАРТОШКА НАВЛАРИНИ  
ТАНЛАШ, ЭКИШ СХЕМАЛАРИ ВА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.06 – «Сабзавотчилик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

<b>Торениязова Салтанат Елмуратовна</b> Қорақалпоғистон шароитида картошка навларини танлаш, экиш схемалари ва кўчат қалинлигининг илмий асосларини ишлаб чиқиш.....	3
<b>Торениязова Салтанат Елмуратовна</b> Подбор сортов картофеля, разработка научных основ схем посадки и густоты стояния растений в условиях Каракалпакстана.....	19
<b>Toreniyazova Saltanat Elmuratovna</b> Development of scientific basis of selection of potato varieties, planting schemes and seedling thickness in the conditions of Karakalpakstan.....	35
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of publications.....	39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОРЕНИЯЗОВА САЛТАНАТ ЕЛМУРАТОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА КАРТОШКА НАВЛАРИНИ  
ТАНЛАШ, ЭКИШ СХЕМАЛАРИ ВА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.06 – «Сабзавотчилик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx346 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Ибрагимов Махсуд Юлдашевич**

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Санаев Собир Тоирович**

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc), доцент

**Ережепова Гулбахар Тажетовна**

кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил 10 февраль соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№547361-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 26 январь кuni таркатилди.  
(2022 йил 24 ноябрдаги 7-рақамли реестр баённомаси)



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида сўнгги йиллари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ўзига хос муаммолар кўзга ташланмоқда. “Аҳоли озуқасида картошка маҳсулоти дунё деҳқончилигида етакчи бўлиб, ҳозирда 20,0-23,0 млн. гектар майдонга картошка навлари экилиб олинаётган 351,2 млн. тонна ялпи ҳосил талабни тўла қаноатлантирмаётганлигини кўрсатади”<sup>1</sup>. Жаҳон деҳқончилигида картошка етиштирадиган 160 дан ортиқ мамлакатларнинг етакчилари ҳисобланган Германия, Голландия, Белгия, Польша, Россия, Белоруссия ва бошқаларда олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан ўртача ҳосилдорлик 16-18 тоннадан ошмаётганлиги, бу борада кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Дунё бўйича картошканинг ҳосилдор, узоқ сақланувчи, касалликларга чидамли ҳамда ҳосил сифати бўйича юқори баҳоланадиган навларини яратиш, улар экилаётган агроиклим шароитларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Европа давлатларида картошканинг эртапишар ва ўртаэртапишар навлари яратилган бўлиб, уларнинг ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва харорат кўрсаткичларининг таъсир этиши исботланган. Шу боисдан ҳам ҳар бир агроиклим ҳудудлари учун мос картошка навларини танлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамизнинг кўпгина вилоятлари шароитида картошка етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, мос навларини танлаш, уларни экишнинг мақбул муддатлари ва схемаларини ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилган. Бироқ Қорақалпоғистон шароитига мос навларни танлаш, экиш схемалари ва кўчат қалинлигининг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт стратегияси” да “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” вазифалари белгилаб берилган. Қорақалпоғистон Республикаси агробиоценозида картошка экиш сўнгги йилларда ривожланаётган соҳа ҳисобланиб, бугунги кунда бошқа давлатлардан келтирилган картошка навларини экиш ва агротехник тадбирларни қўллашни илмий асослаш, юқори ҳосил олиш борасида долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 6 майдаги ПҚ-4704-сон

---

<sup>1</sup> <http://www.docplayer.ru>

«Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация мавзуси бўйича белгилаб олинган мақсад ва вазифалари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Картошка ўсимлигининг ҳар хил навларини турли тупроқ ва агроиклим шароитида ўстириш, максимал ҳосил олиш бўйича кўпгина олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, D.S. Letham (Голландия), L.G. Nikel (Германия), Б.А. Писарев, С.Н. Карманов, А.В. Коршунов, В.С. Бориско (Россия), Н.В. Кононученко (Белорусь) ва бошқа олимлар томонидан картошка етиштириш технологиясининг тамойиллари яратилган.

Ўзбекистон Республикасида Н.Н. Балашев, В.И. Зувев, Д.Т. Абдукаримов, Т.Э. Остонакулов, И.Т. Эргашев, М.М. Мухаммедов, О.К. Қодирхўжаев, Н.Ш.Енилеев, А.Х. Ҳамзаев, С.Т. Санаевлар картошка етиштириш технологияларининг асосий элементлари ва шўрланган ерларда картошкадан мўл ҳосил етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Тадқиқотлар таҳлили, Қорақалпоғистон Республикасининг агроиклим шароити – тупроқ, абиотик ва биотик омилларни ҳисобга олган ҳолда экиладиган картошка навларини ажратиб олиш, уруғчилигини ташкил этиш, экиш муддатлари, схемаси, чуқурлигини мақбуллаштириш каби агротехнологиясининг элементларини ишлаб чиқишни тақоза этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бажарилган: КХИ-5-036-2016 «Қорақалпоғистон шароитида сабзавот-полиэкинларида тунламлар, шира турларига қарши такомиллаштирилган биологик услубни қўллашни жорий этиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳанинг узвий давоми доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қорақалпоғистон Республикасининг агроиклими ва тупроқ шароитида картошканинг эртапишар, ўртаэртапишар навларини ажратиб олиш, уларни қулай экиш муддатлари, чуқурлиги ва схемасини белгилаш ҳамда агротехнологик тадбирларини ишлаб чиқиб, ҳосил миқдори ва сифатига таъсирини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликлари далаларида ва томорқаларда экиладиган картошка навларини аниқлаш, ҳосилдорлигига салбий таъсир этадиган абиотик, биотик омиллар ҳиссасини аниқлаш;

картошка навларини экишнинг муайян шароитини, ҳаво ҳароратини ҳисобга олиш усулларини аниқлаш;

картошканинг эртапишар ва ўртаэртапишар навларини баҳолаш, истиқболлиларини ажратиш, мақбул экиш муддатлари, схемаси ва чуқурлигини аниқлаш;

картошка навлари туганакларининг униб чиқиши, поя, барг ҳосил қилиш фазаларида ижобий ва салбий таъсир этадиган омилларни аниқлаш;

навларининг экиш муддатлари, экиш схемаси ва чуқурлигига боғлиқ ҳолда ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг шаклланиши, сифатини таъминлайдиган агротехник тадбирларнинг ҳўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманлари тупроқ иқлим шароитида картошка навларидан: Зарафшон (UZ), Кувонч-1656 М (UZ), Evolution (NL), Fresko (NL), Red. Skarlet (NL), Zafira (NL), Romano (NL), Умид-2 (UZ), Faluka (NL), Arnova (NL), Picasso (NL), Sante (NL), Impala (NL), Тўйимли (UZ), Сурхон-1 (UZ) (Давлат реестр, 2014), Дўсимпалак (UZ) навлари олинган

**Тадқиқотнинг предмети** Қорақалпоғистоннинг экстремал агроиқлим шароитида картошканинг эртапишар ва ўртаэртапишар навларини 6 та экиш муддатлари (2016-2018 йилларда 4-6/III, 15-17/III ва 24-25/III ҳамда 2018-2020 йилларда 23-27/III, 04-07/IV 14-15/IV экиш муддатлари), 2 та экиш схемалари (70×30 ва 90×20 см) ҳамда 2 та экиш чуқурликлари (5-6 ва 9-10 см) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотлари мақсад ва вазибаларини бажариш учун умумқабул қилинган услуб ва агротавсиялардан фойдаланилди, жумладан, Б.Ж. Азимов, Б.Б. Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (2002; 2006), Бутунроссия картошка ҳўжалиги илмий-тадқиқот институтининг «Методика исследований по культуре картофеля» (Москва, 1967) услуби, маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида дисперсион услуб Б.А.Доспехов (1985) асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, Қорақалпоғистон шароитида экилаётган картошка навлар тўплами ҳар томонлама баҳоланган ва истиқболлилари ажратилган;

картошкани маҳаллий ва четдан келтирилган навлари ҳосилдорлигига, ўсиши ва ривожланиши, ҳосил сифат кўрсаткичларига ташқи муҳит омилларининг ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланган;

ажратиб олинган картошканинг Зарафшон, Arnova, Sante, Evolution, Romano навлари мақбул экиш муддатлари сифатида март ойининг учинчи ўн кунлигидан, апрелнинг биринчи ўн кунлиги, мақбул экиш схемаси сифатида 70х30 см, 90х20 см, туганакларни экиш чуқурлиги 5-6 см, 9-10 см бўлиши исботланган;

мавжуд абиотик, биотик омилларни картошка ҳосилининг биокимёвий таркиби ва сифатига ижобий таъсир этиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида тажрибалар ўтказилган шароитларда яхши ўсиб, ривожланиб етарли ҳосил бериши мумкин бўлган картошканинг Зарафшон, Arnova, Sante, Evolution, Romano эртапишар ва ўртаэртапишар навлари ажратилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ иқлим шароитида экишга тавсия этилган;

ажратилган картошка навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиясининг айрим элементлари, жумладан, оптимал экиш муддатлари ва экиш чуқурлиги аниқланган ҳамда Нукус тумани, Чимбой ва Кегейли туманларида ишлаб чиқаришга жорий этилган;

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида картошканинг Зарафшон, Sante, Arnova, Romano, Evolution навларини тавсия этилган технология элементларини қўллаш асосида товар туганаклар чиқими 95,1-97,4 % бўлган, гектаридан 20,2-21,9 т/га ҳосил етиштириш ҳамда 21770,0 минг сўм фойда олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация мавзусининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, йиллик илмий ҳисоботлар ҳар йили Қорақалпоқ давлат университети кенгашида муҳокама қилинганлиги, махсус тузилган комиссия томонидан апробациялардан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, натижаларнинг лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан исботланиб, етакчи мутахассислар томонидан тадқиқот натижаларининг тан олинганлиги, лаборатория, дала, ишлаб чиқариш тажрибаларнинг математик-статистик ишлов берилганлиги, халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси шароитида картошка навларининг ҳосилдорлиги ва сифатининг максимал даражада бўлишини таъминловчи илмий асосланган экиш муддатлари, экиш схемалари, чуқурлиги ва комплекс агротехник тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур шароитда картошканинг эртапишар Зарафшон ва ўртаэртапишар Arnova, Sante, Romano, Evolution ва Дўсимпалак навларини март ойининг учинчи ва апрелнинг биринчи ўн кунлигида 70×30 см, 90×20 см схема, 5-6 ва 9-10 см чуқурликда экилганда гектаридан 20,2-21,9 т/га ҳосил олиниб, ишлаб чиқаришдаги ўртача ҳосилдорликдан 6,8-8,5 тонна юқори бўлишига эришилганлиги, белгилаб берилган картошка навларининг мақбул экиш муддатлари ва қўлланиладиган агротехник тадбирларни мутассил мўл ва сифатли картошка ҳосилини олиш учун худуднинг ўзига ҳослигини ҳисобга олиб тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманлари тупроқ иқлим шароитида картошкачиликда олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида:

«Қарақалпақстан Республикасы шәриятында картошка жетистириў технологиясы бойынша усыныслар», «Қарақалпақстан агробιοценозында картошка сортларын егий мүддетлери хэм схемаларын таңлаў бойынша

усыныслар» мавзусидаги тавсияномалар тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 23 октябрь 2022 йил №01/019-3067-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан картошка навларини вегетация даври бошланадиган эрта баҳорнинг март ойидан бошлаб етиштиришда фойдаланиб келинмоқда.

картошканинг эртапишар, ўртаэртапишар навларидан Зарафшон, Zafira, Romano, Arnova, Picasso, Sante, Impala, Дўсимпалак март ойининг учинчи ўн кунлиги, апрел ойининг биринчи ўн кунлигида экилиб, Кегейли тумани «Бахтияр Рахат», «Айдын келешек», «Ханназар шенгел» фермер хўжаликларида 270 гектар майдонга, Чимбой тумани «Рейимбай Усен», «Жолымбет Қырмань» ва «Арзумурат» фермер хўжаликларида 157 гектарга жорий этилди (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 23 май 01/019-1427-сонли маълумотномаси). Натижада тавсия этилган агротехник тадбирлар қўлланилганда гектаридан 19,2-21,7 тонна ҳосил олиниб, товар чиқимлилиги 95,1-97,4 % ва иқтисодий самарадорлиги 16070,0-22150,0 сўмни ташкил қилиши исботланган;

Қорақалпоғистон агроиклим ва тупроқ шароити учун тавсия этилган картошканинг эртапишар, ўртаэртапишар навларни Нукус тумани «Юсуп Ахмет», «Раўаж Махсимқала», «Қанлы Генжебай» фермер хўжаликларида 70x30 см, 90x20 см схемада, 5-6 см ва 9-10 см чуқурликда экилиши жорий этилди (Қорақалпоғистон Республикаси фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 18 май 01/04-436-сонли маълумотномаси). Натижада бир тупдаги туганаклар сони 5,4-7,9 дона, битта туганак вазни 42,6-63,2 грамм бўлганда, тупдаги ҳосил 401,2-464,1 граммни ташкил қилиш ҳисобидан гектаридан 20,2-21,9 тонна ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 45,6-62,8 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияси илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан, 5 таси хорижий журналларида чоп этилиб, 1 та ўқув-услувий қўлланма, 1 та қўлланма, 2 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган, ҳажми 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми Қорақалпоғистон агробиоценозида картошка навларини танлаш бўйича тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг

Ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўла ифода этилган.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон деҳқончилигида картошкани ўрни, аҳамияти ва мавзунинг ўрганилганлиги адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида дунё давлатларида картошка навларини экиш, ҳосилнинг меъёри ва сифатини максимал даражага етказиш, бу борадаги мазкур шароитдаги мавжуд муаммони бартараф этишнинг илмий асослари ишлаб чиқишдаги тадбирларни олиб бориш бўйича чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари таҳлили қилинган. Мавжуд натижалар таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалар асосида диссертация тадқиқотларидан олинган илмий натижалари, ишнинг мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб назарий ва амалий янгиликлари йўналиши белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити, услуби ва объекти»** деб номланган иккинчи бобида картошка навларини ўрганиш бўйича лаборатория ва кичик майдондаги дала тажрибалари (2016-2018 йй.), худуд шароитига мос даражада ажратиб олинган навлари (2018-2020 йй), экиш схема ва чуқурлигини аниқлашда дала, ишлаб чиқариш ва натижаларни жорий этиш тажрибалари (2019-2021 йй.) Қорақалпоғистон шимолий худуди Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари фермер хўжаликлари далалари ва томорқаларда олиб борилди. Мазкур худуднинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланган агроиклим шароити кескин континентал, куруқ, абиотик, биотик омиллар элементларининг сутка давомида кескин ўзгаришининг картошка навларига таъсир этиш даражаситаҳлил қилинган.

Ажратиб олинган картошка навларини иккита мақбул экиш муддатида 70x30 ва 90x20 см схемада 5-6 см, 9-10 см чуқурликдаги туганакларни экиш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Картошка ҳосили ва сифатини ўрганиш учун вариантлардан 5 кг намуна олиниб, туганаклар сортировка қилиниб товар ва нотовар (30, 50, 70, 100 гр.) фракцияларга бўлиниб товарлик хусусияти аниқланди.

Тажриба далалари делянкалари майдонини белгилаш, қайтариқлар, вариантлар жойлаштириш рендомизир усулида, тупроқнинг механик ва агрохимёвий таърифи (Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии, 1977), туганак экиш, агротехник тадбирларни қўллаш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчаш ва бошқа фенологик кузатишлар Давлат нав синаш комиссияси (1974; 1984), С.Н.Шамшетов ва б. (2003), А.Х.Тошкенбоев ва б. (2001), Т.Э.Остонақулов, Ш.Авезов (2002), Б.Ж. Азимов, Б.Б. Азимов (2002;2006), А.И.Расулов, А.М.Аббосов (2006), Ш.Нурматов ва б. (2007) услубларидан, тадбирнинг

иктисодий самарадорлиги Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Москва, ВНИИКХ, 1967) услуги асосида олиб борилди. Вариантларни жойлаштириш, ҳосил кўрсаткичлари дисперсион таҳлили Б.А.Доспехов (1985) услубидан фойдаланиб ҳисобланди. Картошка даласида учраган ўсимликлар турлари Қ. Сейфуллаев ва б., (2016) тавсияси асосида тур тарқибни аниқланди. Қорақалпоғистон Республикаси агроиклим шароитига мос картошка навларини ажратиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган картошка навлари олинди (Давлат реестри, 2014-2020).

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон шароитида картошка нав намуналарига мақбул экиш муддатини танлаш»** деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон агроиклими шимолий ҳудуд туманлари шароитида картошканинг Зарафшон (UZ) (стандарт), Кувонч-1656 М (UZ), Evolution (NL), Fresko (NL), Red. Skarlet (NL), Zafira (NL), Romano (NL), Умид-2 (UZ), Тўйимли (UZ), Сурхон-1 (UZ), Faluka (NL), Arnova (NL), Picasso (NL), Sante (NL), Impala (NL), ва Дўсимпалак навлари март ойининг биринчи, иккинчи, учинчи ўн кунлиги, апрел ойи биринчи ва иккинчи ўн кунлиги давомида экилиб, мақбул экиш муддати аниқланди.

Картошка навларининг экиш муддатларига боғлиқ бўлган фенологик ривожланиш шароитлари, ҳосилнинг шаклланиши ҳисобга олинди. Натижада ажратиб олинган картошка навлари ўсиб-ривожланиши жараёнида, вегетация даври охиригача ўсимликдаги барглари сони 178,5-181,3 дона шаклланиб, сатҳи 0,78-0,81 м<sup>2</sup> ташкил қиладиган, ўсимлик пишиб етиши даврида поянинг бўйи 68,9-72,6 см ўсиб, 43-46 кунда гуллайдиган ва туплардаги поялар сони 4,9-5,4 донагача етедиган навлари аниқланди, таъсир этадиган абиотик омилларга бардошлигига эътибор берилди.

Тажирибалар учун ажратиб олинган картошка навлари орасида ўсимликлар гуллаш фазасидан бошлаб туганаклар пайдо этадиган тупдаги илдизлар вазни 21,7-23,8 граммгача, битта туганакнинг ўртача вазни 59,2-62,4 граммни ташкил қиладиган навлари мавжудлиги исботланди.

Асосий физиологик хусусиятларидан бири, мазкур картошка навларида шаклланган 19,2-21,7 т/га ҳосилнинг товар чиқимлилиги 95,1-97,4% ни ташкил қиладиганлиги асосий кўрсаткичи ҳисобида, келгуси тадқиқотлар учун белгилаб олинди.

Номлари келтирилган картошка навлари экиш муддатларини аниқлаш жараёнида, Қорақалпоғистон шимолий ҳудудлари агробиоценозида мақбул экиш муддатлари март ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланиб, апрел ойи биринчи ўн кунлигида якунлаш тақозо этилди. Картошка ўсимликлари ўсуб ривожланиш ва туганакларнинг шаклланиши бир оз фаол бўлган Arnova, Sante, Evolution, Impala, Romano, Picasso навларининг ҳосилдорлиги 21,7 т/га, товар чиқимлилиги 97,4 % гача етганлиги исботланган.

## Картошка нав намуналарини турли экиш муддатларида умумий ҳосилдорлиги, т/га

Навларнинг номи ва келиб чиқиши	Туганакларни экиш муддатлари														
	4-6/III				15-17/III				24-25/III						
	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўрта-ча	St навга нисбатан, %	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўрта-ча	St навга нисбатан, %	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўрта-ча	St навга нисбатан, %
Зарафшон (UZ) (st)	11,5	14,8	10,6	12,3	100,0	17,6	17,1	17,2	17,3	100,0	17,4	16,6	17,6	17,2	100,0
Кувонч 1656 M (UZ)	12,4	10,2	11,6	11,4	92,7	13,8	15,4	15,5	14,9	86,1	15,6	18,1	19,1	17,6	102,3
Fresco (NL)	13,8	15,6	13,2	14,2	115,4	16,8	16,2	16,2	16,4	94,8	18,5	16,6	18,3	17,8	103,5
Red. Skarlet (NL)	10,7	13,4	12,8	12,3	100,0	13,6	14,4	14,3	14,1	81,5	17,0	15,7	16,8	16,5	95,9
Arnova (NL)	14,3	12,5	13,7	13,5	109,8	20,1	18,1	18,2	18,8	108,7	22,1	18,6	23,2	21,3	123,8
Zafira (NL)	13,5	11,1	13,2	12,6	102,4	18,5	16,2	16,0	16,9	97,7	17,3	18,5	17,9	17,9	104,1
Sante (NL)	15,3	13,2	14,4	14,3	116,3	16,5	18,3	18,6	17,8	102,9	20,5	17,4	21,8	19,9	115,7
Evolution (NL)	12,7	14,1	15,8	14,2	115,4	17,8	16,5	16,4	16,9	97,7	17,6	21,4	20,4	19,8	115,1
Faluka (NL)	9,9	13,6	10,7	11,4	92,7	14,8	13,2	13,1	13,7	79,2	15,7	18,2	15,3	16,4	95,3
Impala (NL)	13,8	15,8	12,7	14,1	114,6	17,0	17,3	17,3	17,2	99,4	20,7	19,4	18,4	19,5	113,4
Romano (NL)	17,8	16,0	15,1	16,3	132,5	15,9	17,8	17,9	17,2	99,4	22,6	21,3	19,7	21,2	123,3
Умид-2 (UZ)	15,2	13,1	14,3	14,2	115,4	17,6	16,1	16,1	16,6	96,0	18,4	17,8	19,3	18,5	107,6
Тўйимли (UZ)	12,6	10,2	11,1	11,3	91,9	12,5	14,2	14,4	13,7	79,2	15,2	16,0	17,1	16,1	93,6
Picasso (NL)	13,8	11,3	12,4	12,5	101,6	19,4	17,8	17,4	18,2	105,2	18,6	20,7	18,3	19,2	111,6
Сурхон-1	11,4	10,0	9,2	10,2	82,9	13,1	14,3	14,3	13,9	80,3	15,7	17,4	16,4	16,5	95,9
Дўсимпалак (UZ)	15,6	13,8	13,9	14,4	117,3	19,5	18,6	18,3	18,8	108,7	19,4	19,7	21,8	20,3	118,0
ЭФ <sub>05</sub> , т/га	0,47	0,64	0,60	0,33	-	0,71	0,74	0,49	0,38	-	0,71	0,85	0,84	0,47	-
S <sub>x</sub> , %	3,5	4,9	4,7	2,5	-	4,3	4,5	3,0	2,3	-	3,9	4,7	4,5	2,5	-

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон шароитида картошка нав намуналарига мақбул экиш схемаси ва чуқурлигини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида Қорақалпоғистон шароити шимолий туманлари далаларида экиш учун ажратиб олинган эртапишар ва ўртаэртапишар картошка навларини март ойи учинчи ва апрел ойи биринчи ўн кунлигида ҳар хил схема ва чуқурликда экилганда, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши, маҳсулотлар сифатига турлича таъсир этиш даражаси мавжуд бўладиганлиги аниқланган.

Мазкур агроиклим шароити мақбул экиш муддатларида, аниқроғи апрел ойининг биринчи ўн кунлиги охиригача картошканинг эртапишар нави Зарафшон, ўртаэртапишар навлари Arnova, Sante, Evolution, Romano ва Дўсимпалак туганаклари 70x30 см, 90x20 см схемада, 5-6 ва 9-10 см чуқурликда экилганда туганакларнинг тўла униб чиқиши мақбул муддатда кузатилиб, қўлланилган агротехник тадбирлар натижасида навларнинг ўсиш ва ривожланиш нормал давом этиб, ташқи муҳит омилларига мос даражада туганаклар етиладиганлиги ва кўрсатилган муддатда пишиб етилиб, сифати максимал даражада бўлиши исботланди.

Ажратиб олинган картошка навлари ниҳоллари ер юзасига униб чиқиши билан, илдиздан озикланиши фаоллашиб вегетация даври охиригача ўсимликдаги барглар сони 175,2-184,6 дона шаклланиб, барг сатҳи 0,75-0,85 м<sup>2</sup> ташкил қилиб, пояси бўйи 67,5-73,6 см гача ўсиши кузатилиб, танлаб олинган экиш схемаси ва туганак чуқурлигидаги кўрсаткичлар назорат навга таққосланганда ижобий натижалари билан ажралиб турди.

Ажратиб олинган картошка навларининг битта туганак вазни ва бир туптаги сони бўйича фарқ қилиб, тадқиқотлар давомида бир тупдаги туганаклар сони 5,4-7,9 дона, битта туганак вазни Sante навида 51,6-63,2 грамм, Evolution – 58,8-62,3 грамм, Зарафшон ва Дўсимпалак навларида 42,6-57,1 граммни ташкил қилди.

Картошкани 70x30 см схемада экилганда бир тупдаги ҳосил 401,2-464,1 грамм, 90x30 схемада экилганда 315,3-386,3 граммни ташкил қилганлиги ҳисобга олинди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси бўйича ҳудуд агроиклим ва тупроқ шароитига мақбул ҳисобланган 70x30 схема, 5-6 см чуқурликда экилганда ҳосилдорлик 20,2-21,9 т/га ташкил қилиб, маҳсулотнинг товар чиқимлилиги 95,1-97,4 % гача етадиганлиги аниқланди.

Мазкур ҳудуд шароити учун ажратиб олинган картошка навларини тавсия этилган схема ва чуқурликда экилганда андозага нисбатан Arnova нави 1,4-1,6 т/га, Sante 2,4-2,5 т/га, Romano 1,5-1,6 т/га юқори ҳосил бериши кузатилиб, ишлаб чиқаришда ҳосилнинг камайишига абиотик ва биотик омиллар элементлари ижобий ва салбий таъсир этадиганлиги исботланди.


Ажратиб олинган навлар ўсиб-ривожланиш ва ҳосил шаклланишида биоценоздаги абиотик омиллардан ҳавонинг 40<sup>0</sup>С кўтарилиб кетиши, ҳаво нисбий намлигининг 15-20 % тушиб бориши, биотик омиллардан даладаги ўсимликлар билан озикланадиган зараркунанда (14-25 % гача зарар келтиради), касаллик (3-11 % гача зарар келтиради) кузгатадиган

микроорганизм салбий таъсири бўладиганлиги ҳисобга олиниб, ушбу омилларни бартараф этиш учун тадқиқотлар олиб боришни тақозо этган (1-расм).

**2-жадвал**

**Қорақалпоғистон шароитида картошка нав намуналарини турли экиш муддати, схемаси ва чуқурлигида туганакларнинг биокимёвий таркиби (Чимбой ва Нукус туманлари, 2019-2021 йй.)**

Навлар номи ва келиб чиқиши	Экиш муддати	Экиш схемаси ва чуқурлиги, см	Курук модда, %	Крахмал, %	Оқсил, %	Қанд, %	Умумий микдори, %	
Зарафшон (UZ) (st)	26-28/III	70×30	5-6	19,5	13,6	0,9	0,64	33,83
			9-10	18,9	13,8	0,8	0,72	33,50
		90×20	5-6	20,3	14,1	0,8	0,76	35,24
			9-10	18,5	14,4	1,0	0,81	34,71
	05-06/IV	70×30	5-6	18,1	13,8	0,9	0,74	32,73
			9-10	18,4	13,6	0,8	0,70	32,78
		90×20	5-6	19,6	14,5	0,8	0,69	34,87
			9-10	18,9	14,6	0,7	0,71	34,28
Arnova (NL)	26-28/III	70×30	5-6	17,5	13,2	1,0	0,61	32,31
			9-10	18,6	13,5	0,9	0,64	32,83
		90×20	5-6	18,1	13,9	0,7	0,66	32,73
			9-10	18,9	14,1	0,8	0,65	33,73
	05-06/IV	70×30	5-6	18,3	13,6	0,7	0,67	32,64
			9-10	17,4	14,2	0,8	0,69	32,37
		90×20	5-6	17,8	13,5	1,0	0,68	32,98
			9-10	18,5	13,9	0,8	0,67	33,15
Sante (NL)	26-28/III	70×30	5-6	18,9	14,6	0,9	0,74	34,33
			9-10	19,5	15,1	0,8	0,76	35,44
		90×20	5-6	19,2	15,6	0,9	0,75	35,64
			9-10	20,1	15,2	0,9	0,78	36,17
	05-06/IV	70×30	5-6	21,3	14,6	1,0	0,74	37,64
			9-10	20,2	14,8	0,8	0,81	35,89
		90×20	5-6	19,6	13,9	0,9	0,82	34,41
			9-10	18,9	14,6	0,7	0,79	34,36
Evolution (NL)	26-28/III	70×30	5-6	17,4	14,5	0,7	0,77	32,74
			9-10	18,5	14,8	0,6	0,78	34,14
		90×20	5-6	19,3	14,6	0,8	0,78	34,76
			9-10	17,4	15,4	0,6	0,79	33,65
	05-06/IV	70×30	5-6	18,2	15,2	0,7	0,81	34,28
			9-10	17,9	15,3	0,7	0,77	34,04
		90×20	5-6	18,5	14,9	0,6	0,78	34,24
			9-10	17,5	14,7	0,8	0,76	33,04



**Изоҳ:** —→ Таъсири катта, - -→ Таъсири ўртача, - · · → Таъсири кам  
**1-расм. Картошка навлари ўсимликларига таъсир этадиган ташқи муҳит омиллар турлари, элементлари ва мезонлари.**  
*(Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари, 2016-2021 й).*

Мазкур агроиклим шароитида экилаётган картошка навларидан Arnova, Sante, Зарафшон, Romano ва Дўсимпалак мазкур агроиклим туманларида экилиб олинаётган ҳосили ҳисобланиб, ишлаб чиқаришга тавсия берилган картошка навлари, экиш схемаси, туганакни экиш чуқурлигининг хўжалик самарадорлиги таҳлили натижалари ҳисобга олинди.

Натижада ҳудуд шароитида йиллар бўйича картошка экилган майдонлардан ўртача 13,4 т/га ҳосил олинаётганини ҳисобга олиб, тажрибалар учун ажратилиб ҳосилнинг меъёри ва сифат кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилган картошка навларнинг ҳосилдорлиги максимал даражада 7,1-8,5 т/га га (ўртача 4,3-5,9 т/га) зиёд бўлганлиги аниқланган (3-жадвал).

## 3-жадвал

**Қорақалпоғистон шароитида картошка нав намуларини турли экиш  
муддати, схемаси ва чуқурлигида иқтисодий самарадорлиги 2021 й  
(Нукус тумани, Чимбой ва Кегейли туманлари).**

Кўрсаткичлар	Ажратилган картошка навлари номи					
	Ишлаб чиқаришда	Зарафшон	Arnova	Sante	Romano	Дўсим- палак
Ҳосилдорлик, т/га	13,4	18,4	19,3	19,2	19,1	17,7
Ҳосилнинг кўтарилиши, т/га	-	5,0	5,9	5,8	5,7	4,3
Туганак нархи, минг сўм/га	24225,0	24225,0	24225,0	24225,0	24225,0	24225,0
Сарфланган ёқилги, механизм амортизацияси	4652,4	4652,4	4652,4	4652,4	4652,4	4652,4
Агротехник тадбирлар, суғурта, меҳнат ҳақи, ҳосилни йиғиш ҳаражатлари, минг сўм/га	6344,1	6344,1	6344,1	6344,1	6344,1	6344,1
Умумий ишлаб чиқариш ҳаражатлари, минг сўм/га	35221,5	35221,5	35221,5	35221,5	35221,5	35221,5
Ҳосилнинг баҳоси, минг сўм/га	50920,0	69920,0	73340,0	72960,0	72580,0	67269,0
Шу жумладан, кўтарилган ҳосил баҳоси, минг сўм/га	-	19000,0	22420,0	22040,0	21660,0	16340,0
Умумий соф даромад, минг сўм/га	15968,5	34698,5	38118,6	37738,5	37358,5	32038,5
Назорат билан таққослагандаги иқтисодий самарадорлик, минг сўм/га	-	18730,0	22150,0	21770,0	21590,0	16070,0
Рентабеллик даражаси, %	-	53,1	62,8	61,8	61,2	45,6

Мазкур ҳудуд агробиоценози шароитида экиш учун тавсия этилган картошканинг эртапишар Зарафшон, ўртаэртапишар навлари Arnova, Sante, Evolution, Romano, Evolution ва Дўсимпалак навларини тавсия этилган муддатларда экиш схемаси ва туганак чуқурлигида экилиб, агротехник тадбирлар қўлланилганда сарфланадиган умумий харажатлар гектарига 35221,5 минг сўмни ташкил қилиб, тадбирнинг иқтисодий самарадорлиги гектарига 16070,0-22150,0 сўм даражасида қайд этилди. Тадбирнинг рентабеллик даражаси 45,6-62,8 % гача етадиганлиги исботланиб, тадбирни ишлаб чиқаришга жорий этилганда олинган 4,3-5,9 тонна ҳосил сотилганда гектаридан 32038,5-38118,6 сўм соф даромад олинди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудуд туманларининг тупроқ шароитида навларини тўғри танлаш ҳамда экинни етиштиришнинг мақбул технологияларини қўллаш орқали картошкадан етарли ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятлари мавжуд.

2. Картошканинг эртаги навлари ўсимликлари ўсуб, ривожланишига, етарли ҳосил тўплашига таъсир этадиган абиотик (ҳаво ҳарорати, максимал, минимал критериялари, ҳавонинг нисбий намлиги, фойдали ҳарорат ва б.) ва биотик (зараркунанда, касаллик, бегона ўтлар) омиллар элементлари салбий оқибатларининг олдини олиш имкониятлари мавжудлиги исботланди.

3. Тадқиқотлар натижасида ажратилган картошканинг эртапишари ва ўртаэртапишар навларидан Зарафшон, Arnova, Sante, Evolution, Impala, Romano, Picasso навлари Қорақалпоғистоннинг Нукус тумани, Кегейли ва Чимбой туманлари тупроқ шароити учун мос бўлиб, бу навларни етиштиришда гектаридан уртача 20,6-21,3т. ҳосил олишни таъминлайди.

4. Ажратилган картошка навларининг уруғлик туганакларини март ойининг охири - апрел ойи биринчи ўн кунлигида экилиши оптимал муддат бўлиб, бунда ўсимликларнинг нормал ўсиши, ривожланиши ва товар туганаклари чиқими 95,1-97,4% гача бўлган юқори (19,2-21,7т/га) ҳосил тўплаши учун қулай шароит яратилади.

5. Картошканинг Зарафшон, Arnova, Sante, Evolution ва Romano навлари уруғлик туганакларини 70х30 см ёки 90х20 см схемада, 5-6 ва 9-10 см чуқурликда экиш навлар буйича гектаридан юқори- 20,2-21,9 т. ҳосилдорлик ва товар туганаклар чиқимини - 95,1-97,4% таъминлайди.

6. Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ иқлим шароитида ажратилган картошка навларини мақбул экиш муддати, схемаси ва чуқурлиги каби ишлаб чиқилган технологиясининг жорий этилиши олинган 4,3-5,9 т/га қўшимча ҳосил ҳисобига гектаридан 15968,5-38118,6 сўм соф даромад олишни таъминлайди.

7. Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманлари тупроқ иқлим шароитида картошкадан барқарор мўл, арзон ва сифатли ҳосил олиш мақсадида эртапишар Зарафшон, ўртаэртапишар Arnova, Sante, Evolution, Romano, Picasso навларини экиш.

8. Мазкур навларни экиш учун тупроқнинг 0,015-0,020% паст даражагача шўрини ювиб, уларни 70x30 см, 90x20 см схемада 5-6 см ва 9-10 см чуқурликда экиш.

9. Танланган навларни уруғлик туганакларини март ойи охири, апрел ойининг I ўн кунлигида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ БЕРДАХА**

**ТОРЕНИЯЗОВА САЛТАНАТ ЕЛМУРАТОВНА**

**ПОДБОР СОРТОВ КАРТОФЕЛЯ, РАЗРАБОТКА НАУЧНЫХ ОСНОВ  
СХЕМ ПОСАДКИ И ГУСТОТЫ СТОЯНИЯ РАСТЕНИЙ В УСЛОВИЯХ  
КАРАКАЛПАКСТАНА**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/Qx346

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каракалпакском государственном университете имени Бердаха

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.isau.uz](http://www.isau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Ибрагимов Махсуд Юлдашевич</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Санаев Собир Тоирович</b> доктор сельскохозяйственных наук (DSc), доцент <b>Ереженова Гулбахар Тажетовна</b> доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD)
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт овощебахчевых культур и картофеля</b>

Защита состоится 10 февраль 2023 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 05/29.04.2022 Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская-2, Ташкентский государственный аграрный университет, тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за №547361). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская-2, Ташкентский государственный аграрный университет, тел.: (99871) 260-50-43

Автореферат диссертации разослан 26 январь 2023 года  
(реестр протокола рассылки №7 от 24 ноябрь 2022 года)



**Э.Т. Бердиев**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор  
**М.З. Холмуротов**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н., (PhD), доцент  
**С.А. Юнусов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последние годы в странах мира сталкиваются со специфическими проблемами в обеспечении населения продовольственной продукцией. «Картофельная продукция занимает лидирующие позиции в мировом земледелии в питании населения, в настоящее время с 20,0-23,0 млн. гектаров площадей, засеянных сортами картофеля, собирают 351,2 млн. тонн валового урожая, что не полностью удовлетворяет спрос»<sup>1</sup>. Несмотря на проводимые мероприятия в 160 странах мира, таких, как Германия, Голландия, Белгия, Польша, Россия, Белоруссия и других, возделывающих картофель и считающихся ведущими в мировом земледелии, средняя урожайность не превышает 16-18 тонн, что говорит о необходимости проведения широкомасштабных научных исследований в этой отрасли.

Научно-исследовательские работы, проводимые в мире, направлены на создание урожайных и устойчивых против заболеваний высоко оцененных сортов картошки с длительным хранением урожая и разработке технологии возделывания с учетом особенностей агроклиматических условий местности. В Европейских странах созданы ранне- и среднераннесозревающие сорта картошки, доказано, что на их урожайность влияет сроки посева и температурный режим.

В республике в условиях многих областей достигнуто определенных результатов по разработке технологии возделывания картошки, выбор сортов, определения их оптимальных сроков и схемы посадки. Однако, исследования по разработке научных основ выбора устойчивых сортов картошки для условий Каракалпакстана по схеме посева и густоте не проводилось. В Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» отмечены задачи «увеличения доходов фермеров и дехкан минимум в 2 раза, доведение ежегодных темпов роста сельского хозяйства минимум на 5% за счёт интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе». В последние годы выращивание картофеля в агробиоценозе Республики Каракалпакстан считается развивающейся отраслью, и на сегодняшний день актуальной задачей является научное обоснование посадки и применения агротехнических мероприятий завозимых из других стран сортов картофеля, а также получение высокого урожая.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № 4704 от 6 мая 2020 года «О мерах по расширению производства картофеля и дальнейшему развитию картофельного семеноводства в республике», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup> <http://www.docplayer.ru>

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Широкомасштабные исследования по возделыванию разных сортов картофеля в различных почвенных и агроклиматических условиях, получению максимального урожая проводились многими учёными. В частности, D.S.Latham (Голландия), L.G.Nikel (Германия), Б.А.Писаревым, С.Н.Кармановым, А.В.Коршуновым, В.С.Бориско (Россия), Н.В.Кононученко (Беларусь) и другими учёными созданы тенденции технологии возделывания картофеля.

Учёными Республики Узбекистан Н.Н.Балашевым, В.И.Зуевым, Д.Т.Абдукаримовым, Т.Э.Остонакуловым, И.Т.Эргашевым, М.М.Мухамедовым, О.К.Кодирходжаевым, Н.Ш.Енилеевым, А.Х.Хамзаевым, С.Т.Санаевым проводились научные исследования по основным элементам технологии возделывания картофеля и выращиванию высокого урожая картофеля на засоленных землях. Анализ исследований показал, что необходим подбор сортов картофеля, организация семеноводства, разработка таких элементов агротехнологии, как оптимизация сроков, схем, глубины посадки с учётом агроклиматических условий, почвенных, абиотических и биотических факторов Республики Каракалпакстан. В этой связи, в диссертационные исследования были включены такие проблемные задачи, как изучение отношения сортов картофеля к почвенному засолению, определение наиболее приемлемых сроков посадки, а также осуществление эффективных методов возделывания.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационные исследования выполнены как неотъемлемое продолжение прикладного проекта, выполненного в условиях Республики Каракалпакстан: КХИ-5-036-2016 «Внедрение применения усовершенствованного биологического метода против видов совок, тлей на овощных и бахчевых культурах в условиях Каракалпакстана» (2016-2017 гг.).

**Целью исследования** являлось выделение скороспелых, среднескороспелых сортов картофеля в агроклиматических, почвенных условиях Каракалпакстана, разработка таких агротехнологических мероприятий, как оптимальные сроки, схемы, глубина посадки, а также научное обоснование влияния на количество и качество урожая.

**Задачи исследования** заключаются в следующем:

определение высеваемых в фермерских хозяйствах и приусадебных участках сортов картофеля, доли абиотических, биотических факторов, отрицательно влияющих на урожайность;

выявление определённых условий посадки сортов картофеля, методов учёта температуры воздуха;

оценка скороспелых и среднескороспелых сортов картофеля, подбор из них перспективных, определение оптимальных сроков, схем и глубины посадки;

определение факторов, положительно и отрицательно влияющих на фазы сортов картофеля: всхожесть клубней, образование стеблей, листьев;

определение хозяйственной и экономической эффективности агротехнических мероприятий, обеспечивающих рост, развитие растений, формирование и качество урожая во взаимосвязи со сроками, схемами и глубиной посадки сортов.

**Объектом исследования** служили сорта картофеля северных районов Республики Каракалпакстан: Зарафшон (UZ), Кувонч-1656 М (UZ), Evolution (NL), Fresko (NL), Red. Skarlet (NL), Zafira (NL), Romano (NL), Умид-2 (UZ), Faluka (NL), Arnova (NL), Picasso (NL), Sante (NL), Impala (NL), Тўйимли (UZ), Сурхон-1 (UZ), Дўсимпалак (UZ) (Государственный реестр, 2014).

**Предметом исследования** являлись 6 сроков посева среднеспелых и среднераннеспелых сортов картофеля (в 2016-2018 годах 4-6/III, 15-17/III и 24-25/III, а также в 2018-2020 годах 23-27/III, 04-07/IV, 14-15/IV сроки посева), 2 схемы посадки (70×30 и 90×20 см), а также 2 глубины посадки (5-6 и 9-10 см).

